



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 1 май, шанба № 52 (699)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Чори ТҲХТАЕВ, Ўза мухбири

Коичи ОБАТА:

ҲАМКОРЛИК РИВОЖИДАН БИРДЕК МАНФААТДОРМИЗ

Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқуллод ва мухтор элчиси Коичи Обата билан суҳбат

Жаноб элчи, яқинда Япония ташқи ишлар вазири Ма-сахио Комуранинг Ўзбекистонга келиши кутилмоқда. Ушбу ташрифдан қандай мақсадлар кўзланмоқда ва Сиз мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволини қандай баҳолайсиз?

— Мазкур ташриф Ўзбекистон-Япония муносабатлари тарихида мамлакатимиз ташқи сиёсат мақамаси раҳбарининг юртингизга илк сафаридир. М.Комуранинг ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги тобора ривожланиб бораётган алоқаларнинг узвий давомидир. Ундан кўзланган асосий мақсад ҳам ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришдан иборат.

Ўзингизга яхши маълум, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар узоқ йиллик тарихий илдизларга эга. Бу муносабатлар ўрта Осиё давлатлари орқали Магрибдан Магрибга ўтган Буюк Ипак йўли даврига бориб тутади. Шундай бўлса-да, Кунчиқар мамлакати билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқалари мамлакатимизда мустақилликка эришгандан сўнг ўрнатилди. Президент Ислам Каримовнинг 1994 йил май ойида Японияга ташрифи амалий ҳамкорлик муносабатлари тараққиётига туртки берди. Бугунги кунда Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик кўмиталари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистондаги ҳуқуқий-меъёрий асослар, қулай сармоявий иқлим, мустаҳкам ишлаб чиқариш тармоқлари ҳамда зарур ҳомаши захира-лари Япониянинг етакчи технологиялари ва замонавий ишлаб чиқариш усулларини

мамлакатингизда жорий этишга қўл келади. Ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи тўғрисида гапирсак, бу борадаги ишлар салмоғи катта бўлса-да, менинча, улар имконият даражасида эмас. Бундай дейишга асос бор. Масалан, иқтисодиёт соҳасида. 1995 йилдан буён Япониянинг Ўзбекистонга киритган сармояси бир миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1998 йилда 117 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Агар имкониятларни янада кўпроқ ишга солсак, бу рақам ортishi аниқ.

Ўзбекистон билан Япониянинг сиёсий соҳадаги муносабатлари яхши ривожланиб бормоқда. Маданий ҳамкорлик борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Бироқ бу ҳали етарли эмас, деб ўйлайман. Қадим анъаналарга эга бўлган ўзбек санъати ва маданиятини Японияда ҳам танитиш, тарғиб қилиш борасида олиб борилаётган ишларни ҳозирча талаб даражасида, деб бўлмайди. Яқин келажакда бундай тадбирлар янада яхши йўлга қўйилади, деган умидданман.

— Ўзбекистон-Япония иқтисодий ҳамкорлиги улкан лойиҳаларни ўз ичига олади. Шўртандаги нефт-газ саноати иншоотлари қурилиши, Бухоро, Самарқанд ва Урганчда аэропортларни замонавийлаштириш ишлари шулар жумласидандир. Яқин келажакда бу ҳамкорлик яна қандай янги лойиҳалар билан бойийди? Улар қайси соҳаларга қаратилган бўлади?

— Ўзбекистон-Япония иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчиси, хусусий компания ва фирмалар ўртасида, иккинчиси ҳукумат-

лараро даражадаги ҳамкорлик муносабатлари. Масалан, Шўртандаги нефт-газ саноати иншоотлари қурилиши хусусий сармоядорлар ўз зиммасига олган бўлса, аэропортларни замонавийлаштириш ишлари Япония ҳукумати дастурига биноан амалга оширилади. Бироқ ҳар икки ҳолда ҳам Япония томони ўзини мамлакатингиз билан ҳамкорликдан манфаатдор, деб билади.

Айни пайтда Япония ҳукумати Ўзбекистонда учта дастур бўйича иш олиб бормоқда. Булар - иенли кредит, бегараз ёрдам ва техникавий ёрдам кўрсатиш. Биринчи дастур телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш, йўловчи ташувчи поездлар вагонларини таъмирлаш, аэропортларни замонавийлаштириш ва шунингдек таълим соҳасида олиб борилаётган ишларни ўз ичига олади. Иккинчи дастур доирасида Ўзбекистондаги бир қатор даволаш муассасаларини, Алишер Навоий номидаги Катта Академик опера ва балет театрини замонавий жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Ўзбекистонлик мутахассисларнинг Японияда малака ошириб қайтиши ва япон мутахассисларининг юртингизда келиб тажриба алмашиши йўлга қўйилгани эса учинчи дастур доирасида амалга оширилмоқда.

Япониялик хусусий сармоядорларнинг Ўзбекистонда олиб бораётган ишлари кўламини ниҳоятда кенг. Япон тадбиркорлари, асосан, электр энергияси, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, сайёҳлик, коммуникация, техника соҳаларида Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқиш билдирмоқда.

— Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш борасида амалга оширилайт-

ган ишлар келгусида Ўзбекистонни Хитой портлари орқали Япония билан боғлайди. Япония томонининг мазкур лойиҳаларга ва умуман, бу ташаббусга муносабатини билишни истар эдик... — Давлатларимизни яқинлаштирувчи йўлларнинг очилишидан икки томон ҳам бирдек манфаатдор. Япония ҳукумати Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракат ва ташаббусларни тўла қўллаб-қувватлайди. Фурсатдан фойдаланиб шунини алоҳида таъкидлашни истар эдиким, мамлакатимиз ҳукумати мазкур лойиҳалар борасида минтақада олиб борилаётган ишларга ёрдам кўрсатишга ҳаммиша тайёр.

— Элчи жаноблари, Япония тараққиёт йўли маърифат ва маданият асосида кечишни исботлаган мамлакат ҳисобланади. Шу маънода Ўзбекистон таълим соҳасида келгусида қандай баҳолайсиз? Бу борадаги ҳамкорлик алоқалари тўғрисида ҳам тўхталсангиз.

— Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг юртингизда жамиятни демократлаштириш, бозор иқтисодиётига ўтиш каби кўплаб ижобий ўзгаришлар юз бера бошлаганига гувоҳимиз. Таълим соҳасидаги ўзига хос ислохотлар ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Япония ҳукумати бу борадаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон ёшларининг мамлакатимиздаги етакчи университетларда таълим олишига имконият яратмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги дастури доирасида Япония ҳукумати ҳам бир қатор режалар тайёрламоқда.

— Мавриди келганда айтишим керак, «япон

мўъжизаси»нинг бош унсури маорифдир. Яъни бизда маорифга муносабат ўзига хос. Японияда инсон келажagini унинг билими белгилайди. Шунингдек, «япон мўъжизаси»ни яратишда халқнинг тақдири унинг ўз қўлида эканига ишониши ҳам-муҳим ўрин тутади. Бизга жуда яхши маълум, Ўзбекистонда кўплаб маърифатпарварлар, юксак маънавият эгалари яшаб ўтган. Бугунги кунда мамлакатингизда таълим соҳасида ўтказилаётган ислохотлар буюк аждодларингиз амалга оширган ишларнинг узвий давоми дейиш мумкин...

Ўзбекистон катта иқтисодий салоҳиятга эга. Сўнгги етти-саккиз йил ичида юртингизда бир неча ўн йилларга татигулик ишлар амалга оширилди ва буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Таққослаш учун айтишим мумкин, Японияда илк ислохотлар XIX аср ўрталарида бошланган. Феодализм тузумидан янги тузумга ўтиш жараёнида, ҳатто халқ орасида ўзаро уруш-жанжаллар ҳам келиб чиққан эди. Хуллас, япон халқининг фикрини ўзгартириш, Япониянинг ривожланган давлатлар сафидан ўрин олиши учун 140 йил керак бўлди. Ўзбекистоннинг бир тузумдан ҳеч қандай можаҳазасиз иккинчи тузумга ўтиши, нисбатан қисқа муддат ичида қўлга киритган ютуқлари - буларнинг барчаси халқингизнинг ўзаро жиқлигидандир. Бугунги кунда узоқ муддатли режалар асосида амалга оширилаётган ислохотлар халқингизнинг истиқболли порлоқ бўлиши кафолатидир.

Бизга ўрта мактабда физикадан сабоқ берган Жумавой ака Ражабов ана шундай инсонлардан бири эди. Икки марта кетма-кет келган «қоракхат»дан кейин ўзи соғ-омон уйига кириб келган, урушининг бор машаққатларини бошидан кечирган. Жумавой аканинг сабоқларини тинглаганимиздан гурурланардик. Аммо биз, «кулоқсиз» ўқувчилар, уруш ҳақида гапириб беришни ҳар кун ил-вориб сўрасак ҳам сира оғиз очмасдилар. Негадир ярадор қўллари оҳиста силанганча, нигоҳларини узоқ-узоқларга тикиб, хаёл умонига чумардилар...

— Мана, ҳозир ҳам тўқсон билан тўқнашай деб турган Холмат ота Исмоилов билан суҳбатлашяпману негадир гапимиз учна қовушмаяпти. Отаҳон урушга бўлган ҳаётини, илк бор машина рулига ўтирган кунларини, Тошкент шаҳар Авиация техникумида ўқиган йилларини, Ёзёвон чўллари ўзлаштиришга кўшган ҳиссаси, у ерда ўқирган давлат ва жамоат арбоблари, халқ севган санъаткорлар ҳақида тўққинлаиб гапирдилар. Аммо, урушдаги жасоратлари тўғрисида ҳам гапириб беришни сўрашим биланок, негадир отаҳон индамай қолдилар.

Отаҳоннинг уруш туфайли қалбига тушган жароҳатларни тирнамаслик учун хотиралар уммонидан чиқариб олишга қарор қилдим. Холмат ота ҳам шунини кутиб турган эканми, яна гапга тушиб кетди. — Уруш даҳшатларини ортда қолдириб, 1945 йилнинг декабр ойида ўз қишлоғимга қайтиб келдим. Мен



Самарқанд «Бофанда» фабрикасида 150 ишчи-хизматчи баракали меҳнат қилмоқда. Асосан техникум ва коллежларнинг битирувчиларидан иборат ишчилар тўқув, тикув жиҳозларида ишлаш малакасини

пухта эгалладилар. Ўз ишларининг моҳир усталари тўққан кийим-кечакларнинг бозори қаққон. Суратда: мураббий Бўстонай Маърупова

Т. НОРҚУЛОВ (Ўза) олган сурат.

9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни

Урушда бўлганлар билан уруш кўрмаган авлод учрашганда бир гайритабиийлик сезилади. Бизнинг наздимизда, улар Алпомиш келбатли, Гўрўглидек савлатли, Рустами Достондек пахловонсифат бўлишлари лозим эди. Аслида эса, юртини, севиқли ёрини химоя қилишга отланган Алпомиш авлодлари, киндик қони томган тупроғу фарзандлари учун жонини нисор қилган Гўрўгли бобонинг неваралари ҳам сизу бизга ўхшаш бўлишган.



Бизга ўрта мактабда ҳарбий хизматга қақирилгунга қадар ҳам шофёрлик қилардим. Яна ўз касбимга қайтдим. 1945-46 йилларда Қумо-

марта кетма-кет келган «қоракхат»дан кейин ўзи соғ-омон уйига кириб келган, урушининг бор машаққатларини бошидан кечирган. Жумавой аканинг сабоқларини тинглаганимиздан гурурланардик. Аммо биз, «кулоқсиз» ўқувчилар, уруш ҳақида гапириб беришни ҳар кун ил-вориб сўрасак ҳам сира оғиз очмасдилар. Негадир ярадор қўллари оҳиста силанганча, нигоҳларини узоқ-узоқларга тикиб, хаёл умонига чумардилар...

ЭЪЗОЗ

Мана, ҳозир ҳам тўқсон билан тўқнашай деб турган Холмат ота Исмоилов билан суҳбатлашяпману негадир гапимиз учна қовушмаяпти. Отаҳон урушга бўлган ҳаётини, илк бор машина рулига ўтирган кунларини, Тошкент шаҳар Авиация техникумида ўқиган йилларини, Ёзёвон чўллари ўзлаштиришга кўшган ҳиссаси, у ерда ўқирган давлат ва жамоат арбоблари, халқ севган санъаткорлар ҳақида тўққинлаиб гапирдилар. Аммо, урушдаги жасоратлари тўғрисида ҳам гапириб беришни сўрашим биланок, негадир отаҳон индамай қолдилар.

Отаҳоннинг уруш туфайли қалбига тушган жароҳатларни тирнамаслик учун хотиралар уммонидан чиқариб олишга қарор қилдим. Холмат ота ҳам шунини кутиб турган эканми, яна гапга тушиб кетди. — Уруш даҳшатларини ортда қолдириб, 1945 йилнинг декабр ойида ўз қишлоғимга қайтиб келдим. Мен

қилган саховатли ишларининг ўзи бир олам. Маҳалланин кенгайтириш натижасида 2-мактаб торлик қилиб қолди. Янги, 52-сонли мактабнинг қурилишида ҳам Холмат аканинг ҳиссалари бор. Шунингдек, 289-мактабнинг бунёд этилишига ҳам муносиб ҳисса қўшганлар. Охунбобоев номли жамоа хўжалигига қарашли шифохона, маҳалла масжидининг қад ростилаши ҳам уларнинг меҳнати самарасидир.

Президентимиз 9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни сифатида эълон қилиб кўп савоб иш қилдилар. Чўки дунёда ўтганларни ёд этиш, тирикларни қадрлашдан улугроқ ва савоблироқ амал йўқдир. Мустақиллик туфайли Маккаи мукаммал ва Мадинаи мунаввара каби муқаддас жойларни зиёрат қилиб келган Холмат хожи ота-боболаримиз руҳини шод этиш мақсадида Бектемир қабристонини ободонлаштириш ишларига ҳам бош-қош бўлдилар.

Муҳими, ўн фарзандни ўқимишли, хунарли қилиб тарбиялаган, қирққа яқин неварани, ўттиздан ортик чеваранинг суюкли бобошониси бўлган Холмат ака барчамиз учун ўрناق олса арзийдинган одам. Шунданми, каттаю кичик, ҳамма унинг истиқболига ошканди, маслаҳат солади, кенгашади.

Обид аканинг сўзлари аjoyиб инсон ҳақидаги тасавуриمنى бойитди, унга бўлган ҳурматимни янада оширди.

Темир ҚУРБОН, «Ишонч» мухбири.

МАКСУС ГУРУХ ТАШКИП ЭТИПДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида иқтисодий соҳада эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган асосий масалалар орасида давлат, ҳар хил текширувчи ва назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашини чеклаш зарурлигини кўрсатиб ўтган эдилар.

Президент томонидан назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши хузурида назорат органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда гайриқонуний текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлардан тушаётган шикоятларни тўплаш ва умумлаштиришдан иборат бўлган махсус гуруҳ ташкил этиш тўғрисида топшириқ берилган эди. Шу муносабат билан жорий йилнинг 22 апрелида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Назорат органлари фаолиятини, мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши хузурида текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар шикоятларини қабул қилиш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида»ги махсус қарори қабул қилинди.

Гуруҳ Вазирлар Маҳкамасининг биносига жойлашган. Корхоналар раҳбарлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар, текширувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан қонун бузилишларнинг барча ҳоллари юзасидан 139-80-31, 139-80-37, 139-80-38 телефон рақамларига мурожаат қилишлари мумкин.

(Ўза)

Фаргона туманида Аёллар йилига бағишлаб қишлоқ хотин-қизлари ўртасида спартакиада ўтказилди. Унда тумандаги турли жамоалар, хўжалик ва ширкатлар хотин-қизлари спортнинг ўнга яқин тури бўйи-

АЁЛЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

ча куч синашдилар. Енгил атлетика, волейбол баҳсида «Янги ҳаёт», стол тенниси, шахмат мусобақаларида «Иттифок», шашкачилар беллашувида Алишер Навоий номли хўжаликларнинг спортчи қизлари ғолиб бўлишди. Ғолиблар энди хотин-қизлар спартакиадасининг вилоят босқичида иштирок этишлари.

(Ўза)

ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ

Андижон вилоятидаги Шахрихон туманининг Найнаво қишлоғида яшовчи юзга яқин ёш йигит дурадгорликни ўрганиб, яхши ҳақ тўланадиган доимий ишга ўтди. Маҳаллий тадбиркорлар бу ерда ёғочни қайта ишлайдиган иккита цех очиб, ҳамқишлоқлари буюртмалари асосида эшик, дераза ва бошқа буюмларни ясашни йўлга қўйишди.

Қишлоқда янги корхонадан ташқари, Шахрихон тўқимачилик акциядорлик жамияти/соиб атлас фабрикасининг филиали бир неча йилдан буён ишламоқда. Унда қишлоқ ахлидан 60 нафардан кўпроғи меҳнат қилади. Яқинда эса, маҳаллий тадбиркорлар маблағига пишиқ ва хом гишт ишлаб чиқарадиган цех қурилди. Ҳозир 150 га яқин киши шу иш билан банд.

Аҳоли эҳтиёжи ҳисобга олиниб, хўжалик маблағи ва айрим кишиларнинг шахсий жағғармаси ҳисобидан 17 та тегирмон қурилиб, ишга солинди. Уларда ҳозир ўттизга яқин йигит ишламоқда.

«Найнаво» хўжалиги бошқаруви раиси Мухаммад-долим Абдухалиловнинг сўзларига қараганда, ёшлар учун янги иш жойларини барпо этишга маҳаллий хунарманд усталар ҳам жалб этилган. Туман меҳнат биржасининг мадади билан тажрибали мураббийлар ўз хунарлари сирларини ўргатиш учун 300 га яқин ўсмирни шоғирликка олди.

Маҳаллий гузар янгиланиб, кенгайтирилганидан кейин ҳам анча янги иш жойлари ташкил этилди.

Бизнинг тинч ва осойишта турмушимизни, иқтисодий тараққиётимизни, жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборимизни, табаррук Президентимизни кўролмаган кучлар ҳам етарли. Бу ганимларнинг пайини кесадиغان бирдан-бир йўл ҳалқимизнинг онглидигидир. Мустақилликнинг моҳиятини қалбдан идрок қилиш, мамлакатда амалга оширилган ислохотларни онгли, барча жавобгарлиги билан амалга оширишга киришиш, мамлакат ички ва ташқи сиёсатини янада ҳаётийлаштиришда юртбошимиз атрофида мустаҳкам мушт сингари янада жипслашиш, ўз рақиблирига нисбатан ақлан устун, сергак ва ҳушёр бўлиш давр талабидир.

Эркин фуқаро айни вақтда мустақил фикрга эга бўлган шахс ҳамдир.

Шахс бу ўзининг моҳиятига қўра ижтимоий ҳаётимизнинг барча жиҳатларига алоқадор бўлган қадриятларни, муносабатларни, сифатларни мужассамлаштирган, ўзини-ўзи бошқара оладиган, ўзининг хати ҳаракатларига жавоб ва баҳо бера оладиган ҳамда жамиятнинг бошқа аъзолари билан муносабатга кириб, ўзининг шахсий ва ижтимоий талабларини қондира оладиган кишидир. Шахсининг муҳим жиҳатини унинг индивидуаллиги ташкил қилади. Индивидуалликсиз шахс йўқ. Инсонда у қанча тақомиллашган бўлса, унинг шахси шунча бой ҳисобланади. Албатта, шахсдаги индивидуаллигини, худбинлик билан алмаштирмадик лозим. Худбинлик шахсини оилага, жамоага, жамиятга нафақат қарши қўяди, балки унинг шаклланишида салбий рол ўйнаб, майда-чуйда, икир-чикирларнинг, ҳиссиётларнинг қурбонига айлантиради. Соғлом индивидуаллик эса шахсини онгли яшашга, мустақил фикрлашга, ўзининг мустақил ҳаёт тамойилларига эга бўлишга даъват этади. Ҳаётда энг дахшатли нарса бу шахсининг ўзининг-ўзига ўшмаслиги, унинг аниқ дунёқарашга эга бўлмаслигидир.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Маънавият

Агар бу гоя ўзида элнинг эркини, юртининг эркини ифода қилган бўлса, бу гоя йўлчи юлдуз сингари минглаб, миллионлаб мазлумларнинг кўзини очган ва озодлик томон уларни йўналтирган бўлса, албатта.

Мустақил, эркин фикрлаш ўзининг табиғатида қўра ижод, кашфиёт манбаидир ҳам. Қайси бир давлатда том

ти, албатта, ўз ифодасини топтомоғи лозим. Бугунги талаба қанчалик чуқур, илмий билимга эга бўлса, унда ўрганиладиган объектга нисбатан эркин муносабатда бўлиш шаклланиган ва бирор-бир муаммони турли хил нуқтаи назардан қараш, таҳлил қилиш малакасига эга бўлган бўлса, унинг дунёқарашини барқарор ва мустаҳкам бўлади.

Билан амалга оширилади. Уларнинг биринчиси, ўзимизнинг миллатимиз тарихини, унинг бой маънавий борлигини ўрганишга қўра ўзигимизни билиш ва шу асосда мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий рақобатини амалга ошириб, янги авлодни тарбиялаш учун барча шароитларни яратиш, уларнинг онгини, шуурини келажакки буюк давлатни яратиш сари йўналтириш ташкил қилса, унинг иккинчи йўналишини эса, тарбияда жаҳон тараққиётларар мамлакатларда таркиб толган маънавий бойликлардан, сиёсий қараш ва ижтимоий-иқтисодий ютуқлардан кенг фойдаланиш ташкил қилади.

Биз ижтимоий фан ходимлари бу иккала муштарак омилдан маънавий баркамол инсонни шакллантириш учун зарур бўлган воситаларни ва услубларни мукамил ишлаб чиқоғимиз керак бўлади. Бу ўринда албатта миллий анъаналаримизнинг, миллий менталитетимизнинг, маҳалланинг, таълим ва тарбия тизимлари ҳар бир бугунининг ўзига хос ролини алоҳида кўрсатмоқ керак.

Олдимизда турган бош миллий гоани амалга оширишда озод, ўз ҳақ-хуқуқларини яхши танийдиган, боқимандалиқнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ордеб билган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун холда кўрадиган қоним инсонларни тарбиялаш, вояга етказиш сув ва ҳаводек зарур.

М.ШАРИФҲУЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг
академиги.
Н.МАМАТОВ,
фалсафа фанлари
доктори, профессор.

ЭРКИН ФУҚАРОЛИК

Онгли яшаш, мустақил фикр қудрати

Албатта мустақил фикр шахс мавжуд бўлган микро ва макро муҳит билан ўзвий боғлиқ. Макро муҳитнинг табиати унинг характерли хусусиятлари ва талаблари шахс фикр эркинлиги учун ё кенг имкониятлар яратиб беради ёки унинг, маънавий, ҳатто жисмоний ҳалокатини таъминлайди. Биз бунга тарихдан қўлаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Шу ифтихорни, миллий хурликни қўлаганлиги учун А.Қодирий, Чўлпон, У.Носир, Фитратлар не қўноқларга солилмади.

Миллий ифтихоримиз бўлмиш Навоий бобомиз образини бадий жумлаларда ҳаққоний тасвирлаганлиги учун Ҳ.Ойбек не қўноқларга тўшмади. Ўрта асрлар даврида Амир Темуригун тугган ўрни ва ролини жуда қўлаб ҳужжатларга асосланиб бутун буй басти билан кўрсатганлари учун ҳурматли академигимиз Иброҳим Мўминов ҳаётдан эрта кўз юмди.

Бундай мисолларни давом эттиришимиз мумкин. Лекин гап шундаки, фикр эркинлиги ҳақиқат сингари эгилши мумкин, аммо у синмайди.

мазмундаги эркинлик қарор топган бўлса, ўша ерда ижод, изланиш, санъат, адабиёт гуркураб ўсади. Кўз олдингизга эрамиздан олдинги икки грек шаҳри Афина ва Спартани келтиринг. Ўша пайтларда қадимги Спарта ҳарбийлашган, аҳолининг эркинлиги чекланган, ҳаёти тоталитар режимга кўчирилган шаҳар эди. Бунга қарама-қарши ўлароқ Афина эса эркин муносабатлар, эркин фикрлар, эркин қарашлар ҳукмронлик қилар эди. Шунинг учун ҳам бутун жаҳон цивилизацияси фалсафадаги, фандаги, адабиётдаги, санъатдаги буюк кашфиётлар учун миннатдор бўлган қадимги Греция асрада эркин қадимги Афина эди.

Фанга, маърифатга, маънавиятга инсон эркинлигини, унинг эркин фикрини вужудга келтирувчи буюк қудрат сифатида қарамол ҳам керак. Шунинг учун мактабларда, олий ўқу юртиларда бу ишга жуда катта масъулият билан ёндошмоғимиз лозим.

Ўтиладиган даврада, ўқилмайдиган маърузаларда, ўқилмайдиган сўхбатларда миллатнинг, давлатнинг манфаат

Фуқароларимизда бундай дунёқараш шаклланса, ҳар қандай мафкуравий таҳдидларнинг пайи кесилган бўлади. Шунинг учун ҳам Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажаришнинг муҳим шарти стандартга қўра фалон-фалон фанларни ўтиштириш эмас, балки ўшбу фанларнинг талабалар томонидан ижобий ўқиб олинишини таъминлашдан иборатдир. Албатта бу жараён биринчи қалда ўтмиш асорати бўлиб қолган, ўқишдаги ялқовлик, диплом учун, юқори кўрсаткич учун деган каби касалликлардан мутоқ холи бўлмоғи керак.


Маънавият соҳасидаги янги асрга мўлжалланган йўналишни аниқлаб, ўзимизга режа қилиб белгилаб олар эканмиз, биз бир нарсага алоҳида аҳамият беришимиз керак. У ҳам бўлса шахс дунёқарашини шакллантиришнинг заминлари, йўллари, воситалари, усулларини ишлаб чиқишдир.

Маънавий баркамол, мустақил фикрлайдиган, онгли яшайдиган шахсини қамол топириш асосан икки йўл

қатнашган ўшбу беллашувларда Нукус ва Хўжайли шаҳарлари қасаба уюшма спорт вакиллари А.Жумамуродов, У.Айтхонов, К.Бердихонов, Ж.Дабиллов ва У.Аметовлар ўз вазн тоифалари бўйича биринчи бўлишди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.



Африка

OLAMDA NIMA GAP

ТОКИО. «Катта саккизлик» мамлакатларининг олий даражадаги учрашуви 2000 йили Японияда бўлиб ўтади. Бу ҳақда Япония ҳукумати раҳбари Кэйдзо Обути қарор қабул қилди.

К.Обутининг таклифига биноан, «катта саккизлик» сафига кирувчи мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви Окинавада, молия ва ташқи ишлар вазирлари даражасидаги учрашувлар эса Фукуоке ва Миядзакида бўлиб ўтади.

Шу пайтга қадар Японияда «катта саккизлик»нинг кенгаши уч маротаба, яъни 1979, 1986 ва 1993 йиллари ўтказилган. Уларнинг барчаси Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтган эди.

ПНОМПЕН. Камбоджа парламенти пиёда аскарларга қарши қўлланиладиган миналардан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги қонунни маъқуллади.

Камбоджа миналардан тозалаш маркази бошлиги Ленг Моулиннинг таъкидлашича, мазкур қонун мамлакат учун ўта муҳим бўлиб, у аҳоли ўртасидаги бевақоқ ўлимнинг камайишига ва моддий йўқотишларнинг ҳам маълум даражада олди олинишига хизмат қилади.

Сўнгги йилларда Камбоджа миналардан фойдаланишни тақиқлаш ва ундан тозалаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Уларнинг натижаси ўлароқ, мамлакатда миналар портлаши туфайли жароҳатланганлар сони ойига 150 тадан 50 тагача камайган.

ХАНОЙ. Бу ерда АСЕАНга аъзо мамлакатларнинг полиция хизмати раҳбарлари даражасидаги кенгаш бўлиб ўтди. Учрашувда жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Шунинг-

дек, кенгаш иштирокчилари кадрлар тайёрлаш, ахборот алмашиш ҳамда наркотик моддалар контрабандаси, савдо ва молия соҳасидаги жиноятчилик, қалбаки паспорт ва валюта ишлаб чиқарувчиларга қарши кураш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашди.

ТОКИО. 29 апрел куни Япония бош вазири Кэйдзо Обутининг АКШга етти кунлик расмий ташифи бошланди. К.Обути АКШ президенти Билл Клинтон ва бошқа расмий кишилар билан учрашади. Учрашувларда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар, Югославиядаги сиёсий вазият ва Корея яриморали муаммолари хусусида фикр алмашилади. Бундан ташқари, К.Обути АКШнинг бир неча штатларида бўлиб, маҳаллий ишбилармонлар билан ҳам учрашади.

АБУ-ДАБИ. ПАТА-ТАСС ахборот маъкамаси тарқатган хабарда ёзилишича, Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати қуроли бўлинмалари мамлакатнинг Бамиан вилояти маъмурий марказини қўлга киритиш учун рақиблирига қарши ҳужумга ўтди. Маълумки, бундан бир ҳафта илгари Толибларга қарши коалицион кучлар Бамиан шаҳрини қўлга киритган эди.

Айни пайтда Бамиандан 30 километр узоқликда «Толибон» ҳаракати билан коалицион кучлар ўртасида қаттиқ жанглар кетмоқда.

Сўнгги маълумотларга қараганда, жангларда толиблар жанговар самолёт ва вертолётлардан фойдаланиши натижасида тинч аҳолидан 50 нафар зинд кили киши қурбон бўлган, 30 нафар киши жароҳатланган.

(ЎЗА)

ҒОЛИБ БЎЛИБ ҚАЙТИШДИ

Қорақалпоғистонлик беш нафар полвон Туркманistonнинг Тошқовуз шаҳрида ўтказилган эркин кураш бўйича халқаро мусобақада ғолиб бўлиб қайтишди. Республикаимизнинг Наманган, Бухоро ва Хоразм вилоятларидан ҳам кучли вакиллар

Комусимизда белгилаб қўйилганидек, бизнинг давлатимизда инсон - унинг қадр-қиммати, шаъни энг олий қадрият ҳисобланади. Демак, жамиятимиздаги ҳар бир шахс тақдирига, уни обрў-эътиборига, қолаверса фуқаролик ҳуқуқларига бирон-бир зийн-захмат етказилиши мумкин эмас. Шу боис давлатимиз томонидан ҳуқуқ-тартибот органларини жазоловчи органдан ҳуқуқни муҳофаза этувчи органга айлантириш борасида катта ишлар қилинди. Жумладан, судьяларнинг одил ва ҳолис иш қўришлари учун етарлича имкониятлар ҳамда ваколатлар яратиб берилди. Шунга қарамадан айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ҳалигача эски мустабид тузум асоратлари сақланиб қолмоқда. Гап шундаки, баъзи ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ўзларига берилган ҳуқуқ, имкониятларни суистеъмол қилмоқдалар. Ҳар бир ўтказилган дақиқа, кунлар, ойлар ва йиллар бевосита инсон тақдири, унинг келажакки билан боғлиқ. Шундай экан, бу йўлда хато қилишга, адолатсиз ҳукм ёки қарор чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, «Ҳалқимиз очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди».

Хуқуқий демократик давлат кураётган республикамиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вақили томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ташкил бўлганига қисқа вақт бўлишига қарамай, Омбудсман томонидан кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Лекин айрим судлар фаолиятидаги сансалорлик, бир ишнинг бир неча маротаба судларда қўрилишига қарамай ҳамон адолатли ечим топа олмаётгани ҳаққоний эътирозларга сабаб бўлмоқда. Таажубки, ҳатто Омбудсман институтининг тўғри талаблари юқори суд идоралари томонидан баъзи ҳолларда тан олинмаётган.

Фикримизнинг далили сифатида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

қўмитасига судлар қароридан норози бўлиб мурожаат қилган Нина Кандаурова тақдири масаласига тўхталиб ўтсак. У узоқ йиллар Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институтининг «Олий математика» кафедраси ассистенти лавозимида ишлаб келди. 1991-1992 ўқув йили учун дарслар жадвалини тақсимлашдан олдин, оилавий шароити, соғлиги, қолаверса яшаш жойининг ишончасидан анча олисда жойлашганлигини ҳисобга олиб, унга кечки пайтга дарс белгиламасликларини илтимос қилди. Лекин, бунга имконият бўла туриб, бир йилгача бу асосли талаб институт маъмурияти томонидан қаноатлантирилмагач, Нина Дмитриевна норозилик сифатида ўқув йили бошидан ишга чиқмади: 29 сентябрда оёғидан жароҳатланиши натижасида 1992 йил 12 январга қадар амбулатория шароитида даволанади. Эътибор беринг,

Омбудсман нуқтаи назари

Кандаурованинг ўз вазифасига сайланиш вақти 1991 йил октябрда ўтиб кетган. Қайта сайланиш учун конкурс эса 1991 йил ноябрда бошланиб, 1992 йил январда тугаган. Кафедра мудири Кандаурованинг касал эканлигини, конкурсга қатнаша олмаслигини била туриб, бирон-бир чора қўришни лозим топмаган. Умуман унинг кон-

Ташкент шаҳар суди томонидан ўзгартиришсиз қолдирилади. ФПКнинг 15-моддаси бузилганлиги асосида Олий суд томонидан мазкур иш бўйича қарорлар бекор қилиниб, қайта қўриб чиқиш учун қайтарилди.

Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича ҳайъати Кандаурованинг ишини 1993 йил 13 июл куни қайта

рордан нусха берилмаган. Оқибатда қарор ўз ижросини топмади. Шу тарихи Кандаурова тақдири билан боғлиқ масала ҳанузгача ўзининг адолатли ечимини кутмоқда. Бундан ташқари масаланинг яна бир муҳим жиҳати ҳининг фуқаролик ишлари бўйича ҳайъати Кандаурованинг ишини 1993 йил 25 августгача давом

риоя қилиш Комиссияси ўшбу масалани ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосага келди:

Кандаурованинг иши бўйича суд қарорларида ноаниқликлар мавжуд, яъни суд жараёнида институтда ўқув босқичи (семестр) тугаган вақт аниқланмаган, ваҳоланки, бу нарса меҳнат нисосини адолатли ҳал этишда муҳим аҳамиятга эгадир. Кандауровани ишдан бўшатиш даврида (1996 йилга қадар амалда бўлган) «Олий ўқув юртиларида профессор-ўқитувчи лавозимларини эгаллаш ва аттестациядан ўтказиш ҳақида Низом»нинг 18 бандига биноан конкурсга қайта сайланмаган ёки шу конкурсда иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни топширмаган ҳодимлар тегишли ўқув босқичи тугагандан кейин «сайланган мuddати тугаганлиги муносабати билан» деб ишдан бўшатилиши мумкин эканлиги ҳақида эътиборни қаратиш зарурдир. Чунки ўқув босқичи тугаган тақдирда ҳали ҳодим ишдан бўшатилмаган бўлиб, янги ўқув босқичи бошланган шароитда, ҳодимни биз қўриб ўтган оқоридаги асосга қўра ишдан бўшатиш ғайриқонуний ҳисобланади. Кандауровага тегишли масалда ўқув босқичи 18 январда тугаган. Февралда эса қишки ўқув таътилидан сўнг янги ўқув босқичи бошланган бўлиши керак.

Булардан ташқари, суд қарорларида масалани мантиқан ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган баъзи вазиятлар оидинлаштирилмаган. Чунки, суд қарорларида Кандаурова конкурсда иштирок этиш учун ҳужжатларни

топширмаганлиги қайд этилган. Аммо, умуман шу конкурсда қатнашиш учун бошқа ҳодимларнинг ҳужжат топширган - топширмаганлиги аниқланган эмас. Ваҳоланки, конкурсда қатнашиш учун бошқа шахслардан ариза берилмаган бўлса, у ҳолда конкурс ўтказилмаган, деб ҳисобланади. Айни вақтда ҳодимни ўтказилмаган конкурсга ҳужжатларни топширмади, деб ишдан бўшатиш қонунчиликда назарда тутилмаган.

Ушбу иш қўрилаётган пайтда амалда бўлган Олий суднинг 1985 йил 25 апрелдаги судлар томонидан «Меҳнат қонунчилигини қўллаш», 1988 йил 27 августдаги, 1992 йил 13 ноябрдаги, 1997 йил 7 январдаги пленум қарорларида судларга ишга қайта сайланиш мuddати тугаганлиги муносабати билан ҳодимни ишдан бўшатиши кейинги санага қолдириш ҳуқуқи берилмаган.

Давлатимизда барча судлар ягона Қонун асосида фаолият кўрсатади. Лекин айрим ҳолларда бир масала юзасидан суд идоралари бир-бирига қарама-қарши қарорлар қабул қилаётганини қандай тушунас бўлади? Кандаурова масаласида Тошкент шаҳар суди билан Олий суд қарорларидаги эътибор берган бўлсангиз, улардаги қарама-қаршилиқни қўриб ажабланасиз...

Дилором АЛЛАКУЛОВА, «Ишонч» мухбири.

АДОЛАТ ИЗЛАГАН АЁЛ

Айрим судлар фаолиятидаги чалкашлик, бирёқламлилик, эътиборсизлик оқибатида баъзи фуқаролар иши узоқ вақт мобайнида адолатли ҳал этилмаётгани оқибатида улар сарсон бўлмоқдалар

курс эълон қилингандан хабари борми, йўқми, унга қатнашиш имкониятига эгами, бу нарса билан қизиқмаган. Фақат 1991 йил 10 декабрда «Правда Востока» газетасида конкурс ҳақидаги маълумотни эълон қилиш билан чекланган. 1992 йилнинг 6 февралда шу институтнинг 44-буйруғи билан 1991 йил 1 сепятбрдан ишга чиқмаганлиги ва лавозимига қайта сайланиш учун ўтказилган конкурсга ариза топширмаганлиги учун Н.Кандаурова ишдан бўшатилган. Мазкур иш бир неча маротаба судлар томонидан қўриб чиқилган: Миробод туман суди 1992 йил 22 март куни «Кандауровани ишга қайта сайланиш мuddати ўтиб кетганлиги муносабати билан 1992 йил 11 январдан бошлаб ишдан бўшатилинсин» деган қарор чиқаради. Бу қарор 1992 йил 3 июлда

қўриб чиқиб, «Кандаурова ва Нина Дмитриевна Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институтининг «Олий математика» кафедрасининг ассистенти вазифасига қайта тиклаш ҳамда унинг мажбурий проғул даври учун мазкур институтдан Кандаурова фойда-сига ўртача иш ҳақи ундириш ҳақида» қарор чиқарган.

25 августда бу қарорга Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича ҳайъати Нина Кандауровани 1992 йил 6 февралдан вазифасига қайта сайланиш учун ўтказилган конкурсга ҳужжат топширмаганлиги сабабли ишдан бўшатилинсин ҳамда институт маъмуриятининг уни 1991 йил 1 сентябрдан ишга чиқмаганлиги учун бўшатиш ҳақидаги буйруғи ноқонуний деб топилсин, деган қарорга келган. Бироқ Кандауровага бу қарордан нусха берилмаган. Оқибатда қарор ўз ижросини топмади. Шу тарихи Кандаурова тақдири билан боғлиқ масала ҳанузгача ўзининг адолатли ечимини кутмоқда. Бундан ташқари масаланинг яна бир муҳим жиҳати ҳининг фуқаролик ишлари бўйича ҳайъати Кандаурованинг ишини 1993 йил 13 июл куни қайта

рордан нусха берилмаган. Оқибатда қарор ўз ижросини топмади. Шу тарихи Кандаурова тақдири билан боғлиқ масала ҳанузгача ўзининг адолатли ечимини кутмоқда. Бундан ташқари масаланинг яна бир муҳим жиҳати ҳининг фуқаролик ишлари бўйича ҳайъати Кандаурованинг ишини 1993 йил 25 августгача давом

риоя қилиш Комиссияси ўшбу масалани ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосага келди:

Кандаурованинг иши бўйича суд қарорларида ноаниқликлар мавжуд, яъни суд жараёнида институтда ўқув босқичи (семестр) тугаган вақт аниқланмаган, ваҳоланки, бу нарса меҳнат нисосини адолатли ҳал этишда муҳим аҳамиятга эгадир. Кандауровани ишдан бўшатиш даврида (1996 йилга қадар амалда бўлган) «Олий ўқув юртиларида профессор-ўқитувчи лавозимларини эгаллаш ва аттестациядан ўтказиш ҳақида Низом»нинг 18 бандига биноан конкурсга қайта сайланмаган ёки шу конкурсда иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни топширмаган ҳодимлар тегишли ўқув босқичи тугагандан кейин «сайланган мuddати тугаганлиги муносабати билан» деб ишдан бўшатилиши мумкин эканлиги ҳақида эътиборни қаратиш зарурдир. Чунки ўқув босқичи тугаган тақдирда ҳали ҳодим ишдан бўшатилмаган бўлиб, янги ўқув босқичи бошланган шароитда, ҳодимни биз қўриб ўтган оқоридаги асосга қўра ишдан бўшатиш ғайриқонуний ҳисобланади. Кандауровага тегишли масалда ўқув босқичи 18 январда тугаган. Февралда эса қишки ўқув таътилидан сўнг янги ўқув босқичи бошланган бўлиши керак.

ДУШАНБА, 3

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлилнома»
8.40 «Ўзлик» Бадий публицистик кўрсатув.

СЕШАНБА, 4

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шаҳри.

ЧОРШАНБА, 5

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 «Наво таралиш» Мусикий дам олиш дастури.

ПАЙШАНБА, 6

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шаҳри.

ЖУМА, 7

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 «Муҳлис ёхуд қўшиқ изиди» Мусикий дастур.

ШАНБА, 8

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шаҳри.

ЯҚШАНБА, 9

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 «Камалак» Болалар унун кинодастури.

ХОТИРА ВА КАДРЛАШ КУНИ

УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 «Камалак» Болалар унун кинодастури.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Аралаш» Ҳажвий киножурнал.
18.25 «Шаҳар бедарвоза эмас».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар унун «Бешбармоқ».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар унун «Гулгунчар».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар унун «Гулгунчар».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар унун «Гулгунчар».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар унун «Гулгунчар».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар унун «Гулгунчар».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар унун «Гулгунчар».

УзТВ II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намоиш этади («Ким эгил-у, ким чакон».)

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

УзТВ III
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт».

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт».

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт».

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт».

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт».

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт».

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт».

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт».

УзТВ IV
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар дастури.

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар дастури.

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар дастури.

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар дастури.

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар дастури.

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар дастури.

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ V
15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

УзТВ VI
15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

15.05 «Сенсиз яшай олмаيمان».

Газетхон илҳоми

МАХАЛЛАМ

Жонажон маҳаллам, жоним маҳаллам, Томирда жўш урган қоним маҳаллам...

Фуқаронг ҳамжихат, аҳил-иноқдир, Қон-қардош, бир танда эт ва тирноқдир...

Оиланг бадавлат, балеанд химмати, Муҳайё чой-нони, нози-неъматини...

Ўғитлар ўрганиб ота-онадан, Аҳлоқий ҳадислар тинглаб донадан...

Тинчликда яшамок фикру ўйлари, Дадаба нелигин билмас тўйлари, Дилларга ҳамоҳанг кўшиқ, кўйлари...

Бирликда ёғайлар нону ошини, Ўзозлаш бурчимдир қари-ёшини, Муқаддас билурман тупроқ-тошини...

ЎЗЛИГИНИ УНУТСАНИҲ ДАХШАНАТ

ЎЗИ ЧИУ

Хушомад кимгадир гўё саждагоҳ, Кимга ким эгиб бош, тиз чуқар ноғоҳ...

Ҳақорат қилганда ваҳшат ўзи шу, Ўзлигинг унутсанг дахшат ўзи шу...

Ғайрлик тубсиз бир гирдобга ўхшар, Нур йўлини тўсувчи хижобга ўхшар...

Танинг соғ, руҳинг чоғ, давлат ўшадир, Илминг бор, йўлинг кенг, савлат ўшадир...

Машраб ОРТИҚҲУЖАЕВ, уруш фахрийси.



СОМОНИЙЛАР МАҚБАРАСИ

Ўн аср ўтса ҳам, билмайди завол, Қишнинг совуғи-ю офтоб тобида...



ҚўЙ — Идора қилмайдиган ҳиссиётингиз ва юриш-туришингиздаги нуқсонлар...

БУЗОҚ — Молиявий жаҳада юзага келган масалалар...

ЭГИЗАКЛАР — Афсусу надоматлар ва борлиқдан кечиб ҳиссини бошингиздан кечирингиз...

ҚИСКИЧБАҚА — Муваффақиятга интилиш йўлида не-не машаққатлар тортингиз...

АРСЛОН — Тасодифан қайфиятнингизнинг ўзгариши, соғлигингиздаги муаммолар...

ПАЗИЗОД — Ҳақнингизни турли қўлайликларга чоғлаш учун катта чидам...

ТАРОЗУ — Сизнингиз билмаган ҳолда янги илҳом чашмаларини қалбингизда иктириб...

ЧАЕН — Ҳақнингиз ва имкониятларингизнинг турли баҳолалари олиншингиз...

ЎҚОТАР — Шаҳсингиз ютуқларингизга камтарона қараган...

ТОҒ ЭҶКИСИ — Жонга тегиш муносабатларини узиб, ортиқча ташвиш ва режалардан...

КОВҒА — Ушбу кунларда узиш-кесил хулосалар чиқармаганингиз маъқул...

БАЛИҚ — Яқин кунларда сизнинг бетиним ақлий, иқомий фаолиятингиз моддий жиҳатдан «хосил» беради...


«Тошхажарийулочитранс» давлат уюшмаси томонидан Қосимов Иброҳим Исмоилохунович номига берилган 229950 рақамли йўқолган гувоҳнома бекор қилинади.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси қарорлари бўшқармаси жамоаси «Марҳамат» санаторийсининг бош шифокори Аҳмад Сатторовга волидаи мухтарамаси Уктамов САТТОРОВнинг вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

СПОРТ - ЭЗГУЛИК

ЭЛЧИСИ

Яқинда Тошкент шаҳридаги «Саноатқурилиш-индустрия» ҳиссадорлик жамиятининг спорт соғломлаштириш масканида...



Табиат мўъжизаси Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Улуғбек ПУЛАТОВ.

Ҳар тўғрида

МУШУК МИЛИЦИЯНИ «ЧАҚИРДИ»

Челябинскдаги уйлarning биридидаги сигнализация бирдан ишлаб кетди. Дарҳол етиб келган милиция ходимлари хонадондаги мушукнинг телефон трубкасини тушириб юбориши бунга сабаб бўлганлигини аниқлашди...

«ХАБАР» УЧУН МИНГ ДОЛЛАР

1990 йилдан буён Польшада номлари яширин хабарқашлар сони тобора кўпаймоқда. Польша полициячилари бунинг сабаби хабарқашлар бир кун фош бўлишидан қўрқадилар деб билмоқдалар...

ҚАРИШНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

Япониянинг Окаяма профектурасининг фармацевтлари янги С витаминини кашф қилдилар. Бу витаминнинг ҳозиргисидан фарқи шундаки, у организмга бевосита тери орқали зарарсиз ёғлар ва бирикмалар орқали ўтади...

БАЛЛИ. МАХМУДА!

Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида тиббиёт ходимлари «Ҳамшира-99» кўрик-танловининг шаҳар босқичи якунланди. «Ҳамшира-99» танловининг шаҳар босқичида туман мусобақаларида ғолиб чиққан ўн бир нафар ҳамшира қиз иштирок этиб, соҳа бўйича ўз билми ва маҳоратини намойиш қилди...

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини давр талабларига жавоб берадиган қилиб мослаштириш, зарур озик-овқат маҳсулотлари ва саноат молларининг доимий равишда дўконларда бўлишига эришиш бош вазифага айланмоқда...

Косонсой тумани савдо тармоқларини кўздан кечириганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Навбахор қишлоғидаги Наманган-Косонсой йўлининг ўнг ёқасида жойлашган Муҳбилло Мирзаев мудирлигидаги 46-сонли озик-овқат дўкони...

Таъмирлаш пайтида олиб қўйган эдик, дея бунга изоҳ берди мудира Жамалахон Аскарлова. Ажабо, ташқарида таъмирлаш тугаганидан сўнг яна қайтадан жойига олиб қўйиш нахотки шунча катта меҳнат талаб қилса!

Бу ерда ҳам ҳуқумат қоридида кўрсатилган озик-овқат маҳсулотлари турлари етарли эмас. «Бугун-эрта келтириб беришди», дея умид билдиришди. Умид яши нарса, аммо у билан қорин тўймайди-да!

Туман марказидан 25-30 чақирим олисида қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош Хонқўрғон қишлоғида жойлашган Нўмонжон Мақсудов мудирлик қилаётган 34-дўкондаги аҳолини кўриб сотувчи уйқурсираб ўтирганили боисини тушуниб етгандек бўлди. Обидулло қайтарган жавобни Кўкимбой қишлоғидаги 2-озик-овқат дўкони ҳамда Булоқ қишлоғидаги 48-дўконда бўлганимизда ҳам эшитгандик. Ун ва гуруч йўқлигини кўриб, сабабини...

ПЕШТАХТАЛАР НЕГА БЎШ?

лиқ ёпиштирмаслик эски касалликка ўхшайди. Биз 34-,46-,48- ва бошқа қатор дўконларда бўлганимизда ҳам ана шундай ҳолга дуч келдик. Худди келишиб олишгандек: «ё шамол учириб кетган ёки ерга тушиб йўқолган»...

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

БОШҚОТИРМА


Қадрили муштарий, ушбу кроссворд кўрсатилган рақамлар бўйича аввал ўнг томон, кейин чап томон йўналиши бўйича ҳал этилади.

- ЎНГА: 1. Ибн Сино таваллуд толган қишлоқ, 2. Кураш соҳиби, 3. Одил Ёқубов романи, 4. Дурдгорчилик асбоби, 5. Давлат бошлиғи томонидан эълон қилинадиган ҳужжат, 6. Уй-рўзгор буюми, 7. Йирткич қуш, 8. Лаззатли нон тури, 9. Географик асбоб, 10. Манзарали электр ёриткичи, 11. Тўй тури, 12. Қадимий торли соз, 13. Ов қуроли, 14. Йул қурилиш иншооти, 15. Миллат, 16. Ёғочдан ясалган асбоб, 17. Сурхондарёдаги шаҳар.

18. Машинанинг мотор қисми.

- ЧАПГА: 1. Сўзлаш ва англаш қобилиятини йўқотиш касаллиғи, 2. Қандолатчилик маҳсулоти, 3. Раёногулдошлар оиласига мансуб дароҳт, 4. Сайроҳ, 5. Ўзбек ёзувчиси, 6. Балиқ тури, 7. Давлат рамзи, 8. Қашқадарёдаги газ-нефть қони, 9. Товуқсимон қуш, 10. Эски уй-рўзгор буюми, 11. Хинд бадий фильми, 12. Қуллоқчилик маҳсулоти, 13. Ўрик нави, 14. Нақш тури, 15. Ёввойий йирткич ҳайвон, 16. Спорт анжومي, 17. Иброҳим Раҳим романи, 18. Қорғоз нави.

Тузувчи: Турсунали ҒАНИЕВ.



ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Довери»), А.Алламурадов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсатишчи: 133; 134 Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотушда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаканси. Қорхона манзили: «Буюк Турсон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш вақти — 22.00